# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ

**Республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар туманлари Палаталари қошида фаолият кўрсатаётган 183 та кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи Ахборот-маслаҳат марказларининг кенг тарқалган тармоқлари орқали тадбиркорларга қуйидаги тўлақонли ва барча талабларга жавоб берадиган ҳамда арзон хизматлар кўрсатилмоқда.**

- Янги корхоналарни очиш учун таъсис ҳужжатларини тайёрлаш;
- Инвестиция таклифларининг техник иқтисодий асосини ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, кредит олиш учун керакли ҳужжатлар мажмуасини ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, технологик ускуналарни танлаш ва бошқа хизматлар;
- Хилма-хил ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, солиқ, молия, банк, суғурта ва бошқа идоралар билан бўладиган ўзаро муносабатларни ташкил қилишда кўмаклашиш;
- Иқтисодий, ҳуқуқий ишлаб чиқариш технологияси бўйича керакли маълумотлар билан таъминлаш ва бошқа зарурий маслаҳатларни бериш.

**Жойлардаги ахборот-маслаҳат марказларида Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури ва андозалари асосида тайёрланган малакали мутахассислар ишлайдилар.**

***Ҳурматли Тадбиркорлар!***

**Ахборот-маслаҳат марказлари хизматидан самарали фойдаланишга шошилинг!**

## КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ҲУДУДИЙ АХБОРОТ-МАСЛАҲАТ МАРКАЗЛАРИНИНГ МАНЗИЛЛАРИ:

Нукус шаҳри, А. Темур кўчаси 112-«А» уй. Тел. 222-02-96

Андижон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 122-. Тел: 22-17-37, 22-17-39

Бухоро шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 10. Тел: 3-06-82, 3-43-17

Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 63. Тел: 3-36-43, 3-36-16, 3-16-23

Қарши шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел: 4-53-43, 3-06-93, 4-52-67

Навоий шаҳри, Петров кўчаси, 29. Тел: 5-39-60

Наманган шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 7. Тел: 6-61-00, 6-29-29

Самарқанд шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 148. Тел: 31-17-42, 24-06-38

Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 25. Тел: 3-74-15, 3-27-09, 3-08-49

Гулистон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 29, 3-қават. Тел: 25-07-00, 25-47-87

Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 42. Тел: 67-16-31, 67-15-28, 67-16-30

Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 58. Тел: 24-72-52, 24-43-45

Урганч шаҳри, ал-Хоразмий кўчаси, 27. Тел: 6-52-44, 6-87-50

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 12. Тел: 55-56-33, 55-04-87, 133-27-07.

**Мурожаат учун манзил: 700047, Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 6-уй. Ўзбекистон ТИТ Палатаси. тел: 1330699, 1320907.**

# КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

***Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва Тадбиркорлар палатаси қошида***

EAN 375 UZBEKISTAN

# «EAN UZBEKISTAN»

***товар ва хизматларни автоматик индентификациялаш маркази ташкил этилган.***

***Бу марказ «EAN International» Халқаро уюшмаси аъзосидир.***

Мазкур марказ халқаро талаблар даражасида товарлар ва хизматларга EAN штрих кодларини бериш ва уларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда товарларни индентификациялаш тизимидан фойдаланувчилар учун услубий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга штрихли кодлашни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, барча юридик шахслар ишлаб чиқарган товарларни штрихли кодлашни қуйидаги муддатларда амалга оширишлари керак:

- экспорт қилинаётган маҳсулотларни, янги товарларни ва улар учун этикеткалар ёки ўраш жойлаш буюмлари, буюртма қилинаётган товарларни тамғалашни 2000 йил 1 мартгача;
- бошқа барча товарларни 2000 йил охиригача тамғалаш тавсия қилинади.

**Эндиликда Сиз ишлаб чиқарган маҳсулотлар қадоқланиши жаҳон талабларига жавоб беради, чунки Ўзбекистон Республикаси ўзининг штрихли кодига эга бўлади..**

**Мурожаат учун манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси. 6-уй «EAN Uzbekistan».**

**ТЕЛ: 132-79-46.**

# «ДИҚҚИНАФАС УЙДА ЁТМОҚ ПАЙТИМАС»

(Боши 1-бетда)

140 минг аҳолиси бор Бувайда, одамларининг ҳаммаси қишлоқларда яшайдиган туман, ҳокимнинг ўз сўзлари билан айтганда «республиканинг ягона қишлоқ газетасини» бор-йўғи 8 дона олади!

Ана сизга бир тумандаги матбуотга муносабат! Раҳбарнинг сўзи-ю иш тутими!

Энди менга Бувайдада туман марказий кутубхонасини кўчириб, ўрнига бошқа бир идорани жойлаштиришгани, туман газетасининг адади иккинчи ярим йилликда кескин камайиб кетгани, ҳатто газета айрим ҳолларда ипак қуртига ишлатиладиган қоғозга босилаётгани боиси ойдек равшан эди...

«Ҳадеб ер, сув, пахта-ю пудратдан гап очавермай, бу гал туман газетаси, қишлоқдаги ҳамкасблар ҳақида ҳикоя қилсам қалай бўларкин? — деган ўйда йўлимни «Бувайда кўзгуси» таҳририяти томон бурдим.

Бу ерда менинг эски қадрдонларим меҳнат қилишади. Муҳаррир Отабек Раҳмон. Яхши журналист. Тошкент, Гулистон, Фарғона «қозони»да қайнаб қалами чархланган. Ўзи ҳам кўп камтар, содда, самимий йигит. Масъул котиб Қизлархон Маматқулова билан дорилфунунда бирга ўқиганмиз. Кўринишдан вазмин, мулойим бу аёлнинг қалби тубида бир жўшқин дарё оқиб ётади. Турсуной Сулаймонова. Юриш, туриши, муомила-муносабатида ўзбек аёлига хос мулойимлик, ҳаё, ибо мужассам бу синглимиз яхши журналист бўлиш билан бирга гўзал шоира ҳам.

Ўтган гал келганимда... Турсунойнинг бошига оғир мусибат тушганини эшитдим. Турмуш ўртоғи вафот этибди. Мунис, муштипар аёлга чин қалбдан ҳамдардлик изҳор этарканман кўз олдимга Нурмуҳаммад ака келди. Билимдон, бағри кенг, улфати инсон эди раҳматли...

Мели Зиёд. Мана қирқ йилдирки, бу заҳматкаш инсон туман марказидан ўн чақирим олис қишлоғидан ишга яёв келиб яёв кетади. Отабекнинг айтишича, ҳатто автолар тўхтаса ҳам чиқмасакан. Энг яхшиси «ўн биринчи трамвай» деркан...

Хонасида экан Отабек. Қучоқлашиб кўришамиз. Кейин бирин-кетин Турсуной, Қизлархон кириб келишади. «Газеталарингизни ўқиб ётибмиз», дейди Отабек. «Кеча эслагандик», дейди Қизлархон. «Чарчамай ишлаб юрибсизми?» дейди Турсуной. Камина бу илтифотлардан яйраб диванда катта холамнинг уйида ўтиргандек талтайиб ўтираман. Ҳамкасб барибир ҳамкасб-да. Бир-бирингни тез уқасан, тушунасан.

Газетанинг навбатдаги сони тайёрланяпти экан... Ҳадемай Отабекни ҳокимиятга чақиришди. Турсуной билан Қизлархон эса тайёр бўлган саҳифаларни ўқишга тутинишди. Мен бўлсам «Бувайда кўзгуси»нинг сўнгги сонларини кўздан кечира бошладим.

Бувайдадагина эмас, бутун Фарғонада «бой мухбир» номини олган, кекса журналист Қаюм Турсунов «Тадбиркор отахон» сарлавҳали мақоласида 72 ёшли тиниб-тинчимас Холиқназар ота Толиповнинг савобли ишларини қаламга олибдилар. Холиқназар ота ўғил-қизлари, набираларини ёнларига олиб шахсий жамғармаларидан уйларининг шундоқ ёнбошига тегирмон, савдо дўкони, қурибдилар. Бундан ташқари «Холиқназар отанинг анжирзор боғи, сабзавот ва полиз экинлари экадиган томорқаси бўлиб эрта баҳорда картошканинг ўзидан юз минг сўм даромад қилишибди. Анжирзор ҳам ота оиласига шу ёзнинг ўзида яқин 120 минг сўм «ташлаб кетибди.

«Мустақилликнинг 8 йили ичида ота хонадони иккита енгил машинали бўлди, — деб ёзади мақола сўнгида Қаюм ака, — яна у киши отасидан эрта етим қолган икки набирасининг уйли-жойли қилди!».

Қизлархон Маматқулова «Нуқтаи назар» рукни остида берилган «Жавобгарлик» мақоласида ёшлар тарбиясига оид бир қатор долзарб масалаларни ўртага ташлайди.

Газетхон Чўлпоной ҳожи она Ҳамдамова «Юракда юрт ишқи бўлса» мақоласида ёзади: «Ўқитувчи сифатида, ёшларга шуни таъкидламоқчиманки, бизнинг динимиз инсонни ҳамиша тўғриликка, ҳалолликка покликка, раҳм-шафқатлиликка етаклайди. Баъзи оқимларга кириб қолаётган ёшлар кўзларини катта очишлари зарур. Юртимиз, элимиз учун куйиб ёнаётган юртбошимизга садоқат кўрсатишлари, тинчлигимиз, фаровонлигимиз қадрига етишлари зарур».

Ёш қаламкаш Азизахон Солиеванинг ҳаётий ҳикояларида қишлоқ кишиларидаги ажиб бир соддалик, самимият қаламга олинади. Айни пайтда бу ҳикояларни енгил юмор руҳи билан суғорилганлиги ўқувчига завқ беради. «Бувайда кўзгуси»даги аксарият мақолалар содда, равон. Енгил ўқилади. Айни пайтда газетани варақлаб, танқидий, таҳлилий мақолалар камлигига эътибор бердим. Балки, туман раҳбарияти танқидга йўл бермас... Менинг назаримда, на фақат Бувайда, балки, барча туман ҳокимлари газетадан фойдалана билишлари керак.

Мамлакатимиз раҳбарининг ички ва ташқи сиёсатларини оммага етказишда, жойлардаги олға кетишимизга ҳалал бераётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда «бетга айтганнинг заҳри йўқ» қабилидаги ошкора сўзнинг, «тўртинчи ҳокимият» мақомини олиб бораётган матбуотнинг ўрни, аҳамияти беқиёс.

Эҳтимол... Отабекнинг ўзида, ҳамкасбларимизда журъат, жасорат етишмаётгандир. Тағин, ким билсин...

Яна газета ҳақида, содда, меҳнаткаш, фидойи инсонлар юрти Бувайда ҳақида кўп гаплар айтишим мумкин эди. Бироқ, мен шу ерда тийиламан. Боиси, шоир «ёзганинг билан бўлмас шеъринг бесамар зое» деганидек, бувайдаликлар бор-йўғи саккиз дона «Қишлоқ ҳаёти» олишади. Бу деган сўз... файласуф шоиримиз, қаҳрамон шоир акамиз гапнинг бўладиганини айтиб қўйибдилар-ку. Эзилиб нима қилдим. Барибир...

Яна кўнгилдан «эҳтимол бу гаплар уларнинг ориятини қўзғаб қолса ажабмас», деган гап ўтади. Кошкийди....

**Ортиқали НОМОЗОВ**



Деновлик каштачи.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг

# ЖОДУГАРЛИК БОР ГАПМИ?

Яқинда бир дўстим қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Бир идорада директор лавозимида ишлардим. ишларимиз кўнгилдагидек кетаётган эди. Хўжалик ҳисобида аравамизни ўзимиз бемалол тортардик.

Бир куни кўзлари чақчайган, калта қирқилган сочлари паттайган озғингина хотин иш сўраб келди. Камола исмли ўша хотинни фаррошликка ишга қабул қилдик.

Орадан кўп ўтмай ўзимни ғалати ҳис қила бошладим. Бошимнинг аллақаери лўқиллаб, қулоқларим тагида шамол эсаётгандек шувулларди. Кун бўйи лоҳас юрардим.

Энг ёмони, мен қандайдир ғалати ҳолга тушаётганимни тан олишни истамасдим. Шифокорга айтишга арзигулик касалим йўқ.

Бу ҳол албатта ўзгаларга таъсир қилмасдан қолмасди. Ишхонамда ҳам, уйимда ҳам муомалам ўзгарганини сезмаган эканман. Жеркиб гапириш одатим йўқ эди. Шунақа бўлиб қолганимни акс-садо янглиғ ўзимга бўлаётган муносабатлардан англаб қолдим. Ҳатто, хотиним бир куни суяк-суягимдан ўтказиб юборди. Нима дейди денг: — Вой ўлай, нега кўзларингиз бошқача? Шошманг-шошманг, сизга бир нарса тегибди. Жин чалгандақа бўп қопсиз...

— Нима қилай, ахир? — дедим инграгандек.

— Нима қилишни қўйиб берсангиз бўлгани..

— Билганингни қил!

Ожизам билганини қилди. Фолбинга бориб, антиқа гаплар топиб келса, денг. «Ишхонасида бир жодугар пайдо бўлибди. Қаттиқ жодулаб қўйган. Тезда ирим-сиримини қилмаса, бедаво дардга чалиниб қолиши мумкин...».

Наҳот шу гап рост бўлса?..

Наҳот, ўша хотин...

Ўзи эшитиб қолса, нима деркин? Чақчайган кўзларини баттар чақчайтириши турган гап.

Кўнглимдагини сезгандек хотиним ўша айқаш-уйқаш фикрлардан мени қутқарди.

— Сиз ҳеч нарсага бошингизни қотирманг. Фолбин буюрганларини бажарсак, ўша жодугарингиз ўз-ўзидан қуриб кетаркан.

Чўкканга чўпдан мадад, деганларидек, рози бўлдим. Буюрганидек жума куни худойи қилдик. Атаб сўйилган қўйнинг қонини ҳам алламбалолар қилишди. Қизиғи, мулла «қайтармаси»ни ўқигани сари ўзимни қушдек енгил ҳис этардим. Бошимдан тоғ ағдарилаётгандек бўларди. Ниҳоят, уйқу элита бошлади. Кекириб-кекириб қироат қилаётган мулла уйқу пардалари ортида кўринмай кетди...

Шундан кейин фаррош хотин «ўз аризасига биноан» ишдан бўшаб кетди. Гапга худди шу ерда нуқта қўймоқчийдим. Лекин...

Яқинда кутилмаганда бошқармамиздан йўқлаб қолишди. Оёқни қўлга олиб борсам, Қудрат Қулмуродовичнинг авзойи бузуқ. Аслида, талашиб-тортишадиган гап ҳам йўқ. Ўтирсак — ўпоқ, турсак-сўпоқ қабилида ғижиди, холос.

Тарвузим қўлтиғимдан тушганча бошқармадан қайтаётганимда зинадан лапанглаб чиқаётган фаррош хотин — Камолага дуч келиб қолсам, денг. Энди бу ёққа ишга ўтдим, дейдими-ей. Қўлида қоғозга ўралган бир нарса. Эҳтимол «жоду ашёлари»дир?!

Юрагим така-пука бўлиб кетди...

Эҳтимол сизнинг бошингиздан ҳам шунақа «савдо»лар ўтгандир? Умуман сиз жодуга ишонасизми? Эҳтимол ўша фаррош хотинда ҳеч бир сиру синоат йўқдир?

Нима дейсиз?

**Тўлқин ЭШБЕК**

# БИР СОАТЛИК АДОЛАТ

ҲИКОЯТ

**Мана шу нилий осмон остида одил бир подшоҳ яшарди. Кўп умри мамлакатда адолат ўрнатиш ташвиши билан ўтди. Фуқароларига қарата айтадиган икки гапининг бирида: « Савоб ишни ҳар куни қилинглар, адолатпеша бўлинглар!» дея фатво бергувчи эди...**

**Кунлардан бир куни шу подшоҳ ҳаж сафарига отланиб қолди. Бундан воқиф бўлган фуқаро норози бўлиб, шоҳ йўлига кўндаланг чиқди:**

**— Олампаноҳ, мамлакатни бегоналар илкига топшириб кетасизми? Яшнаб турган шундай чаманистонни ўзгалар ихтиёрида қолдирсангиз, қайтиб келгунингизча мамлакат хароб бўлади. Бу раъйингиздан қайтинг, шаҳаншоҳ!**

**Подшоҳ сусайди. Отдан тушди. Тўпланган фуқародан изн сўраб, сарой аёнларига қарата шундай деди:**

**— Камина аллақачондан бери ҳожилар қаторида бўлмоқни истаб юрибмен. Бу — ҳукмроннинг тилаги. Бу тилакдан мени ҳеч ким қайтаролмайди. Бироқ, тилагимни халойиқ тилагидан устун қўёлмасмен. Бунга ҳаққим ҳам йўқ. Лекин раъйимдан ҳам қайтмасмен. Ахир, мен ҳам қиёмат кунида ҳожилар қаторида бўлмоғим керак.**

**Бу муаммо тугунини ечмоқ осон кечмади. Ҳамма гангиб қолди. Халойиқ орасидан мункиллаган бир чол чиқиб, ҳукмрон мушкулини осон қилди.**

**— Ҳожилар қаторида бўлмоғингиз имкони бор, давлатпаноҳ. Яқинда сафардан қайтган ҳожининг ҳаж савобини сотиб оласиз, вассалом!**

**Подшоҳ кўнди. Вазири аъзам бу ҳақда мамлакатга жар солди. Йигирма марта ҳажга бориб келган бир художўй ҳожини топиб, саройга бошлаб келдилар. Олампаноҳ бир марталик ҳаж савобини беришини сўраб, унга илтижо қилди.**

**— Тила тилагингни, эй бандаи мўмин. Ўн минг тилло сен азиз инсонга садақа бўлсин. Сўровим шуки, тилагимни рад қилма: бир ҳожилик савобини менга соттин.**

**Ҳожи ўта диёнатли инсон эди, тахт соҳиби пойига таъзим этиб:**

**— Эй, шаҳаншоҳ, тилло дегани нимаси? Бир ҳаж на бўлғай? Йигирма ҳажнинг савобини сизга бағишлагумдир. Сиз менга фақат... фақат бир соатлик қилган адолатли ишингизнинг савобини берсангиз бас!**

**Алалхусус, мухтасар гап шуки, ҳукмдорнинг бир соатлик қилган адолати йигирма ҳажнинг савобига тенг экан...**

Аҳад ҲАСАН,
Шофиркон

# МОМОҚАЙМОҚ

Табиат шифохонаси

**Момоқаймоқнинг таркибида фойдали моддалар кўп. Ўсимлик барглари ҳамда гултўпламларида ксантофиллинлар, лютеин ва параксантин, каротиноидли моддалар, витамин В2 мавжуд. Янги чиққан баргларининг сут ширасида лактуцерол, каучук, холин, аспарагин, сапонинлар, органик кислоталар, мумсимон моддалар бор. Момоқаймоқнинг илдизи таркибида эса тараксерол, тараксол, тараксастерол, шунингдек, стеринлар 24 % инулин, 2-3 % каучук, ёғлар (пальмитин, олеин, линол, церотин кислоталаридан ташкил топган глицеринлар киради) мавжуд.**

**Момоқаймоқ халқ медицинасида кенг кўламда ишлатилади. Жумладан, уни овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятини тезлатувчи восита сифатида, илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама буйрак касаллигини даволашда, сурги дори ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи омил сифатида ишлатилади. Бундан ташқари момоқаймоқ илдизидан тайёрланган дамлама жигар шамоллашида, ўт пуфаги ва меъда яллиғланишида нафли ҳисобланади. Шунингдек, у бавосилни даволашда ҳам тавсия этилади. Бундай дамлама билан тиш ва томоқ оғриганда оғиз чайқаш, баргини майдалаб узум сиркасига қўшиб сўгалларни кетказиш мумкин. Баргидан олинган шира камқонлик, дармонсизлик ва кўкрак қафаси касалликларини даволашда ёрдам беради.**

**Илмий медицинада момоқаймоқдан тайёрланган препаратлардан кенг фойдаланилади. Ўсимлик илдизидан тайёрланган қуюқ экстракт ёки порошок иштаҳа очувчи, овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи, ўт ҳайдовчи дори сифатида, анацидли гастритни даволаш учун тавсия этилади. Шунингдек, фармацевтикада ҳам момоқаймоқ, ўсимлигидан фойдаланилади.**

(«Шифобахш неъматлар» китобидан).

# ИЖОДИЙ ГУЛДАСТА ТАҚДИМИ

КЎРГАЗМА

Истеъдодли мусаввир, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг профессори Дилёр Имомовга таваллуд кунининг 60 йиллигига бағишланган шахсий кўргазмаси очилиши маросимида Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кумуш медали топширилди.

Пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида ўтказилаётган бу экспозициядан ўрин олган 100дан ошиқ асар мусаввирнинг кўплаб хорижий юртлар, шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб уюштирган ижодий сафарлари натижасида яратилган. «Руҳ илтижоси», «Отамга», «Куз ёмғири», «Шамол», «Шаршара» каби рангтасвир асарлар кишини ҳаёт ва ўлим, ёруғлик ва зулмат, меҳр-муҳаббат каби фалсафий тушунчалар ҳақида фикр юритишга ундайди.

— Дилёр Имомовнинг талай асарлари Ўзбекистоннинг бир қатор музейларида, шунингдек, Монголия, Франция, Германия, Туркия, Корея ва бошқа мамлакатларнинг санъат галереяларида сақланмоқда, — деди Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жавлон Умарбеков. — Суратларнинг сермазмунлиги, бўёқларнинг тиниқлиги ва тасвирдаги жонлилик мусаввир ижодининг ўзига хослигидан далолат беради.

**«Туркистон-пресс»**

# ЙИҒЛАГАННИНГ УМРИ УЗОҚ БЎЛАРМИШ

АЖИБ ДУНЁ

Олмонияда эркаклар аёлларга қараганда ўртача саккиз йил аввал дунёдан кўз юмишар экан. Яъни, эркаклар ўртача 69 га кирса, аёллар 77 йил яшашмоқда. Таниқли Америка нейрологи Билл Фрейнинг фикрига қараганда эркакларнинг барвақт оламдан кўз юмишига сабаб уларнинг жуда кам «обидийда» қилишлари экан. Сен-Поли шаҳридаги Альцгейпер институти раҳбарларидан бири ҳам бу фикрни маъқуллаганди: «Йиғлаб туриш хосиятли. Боиси кўз ёшлари танамизда кутилмаган ҳолатлар, иллатларни ювиб чиқарар экан. Бундай зарарли гармонларнинг кўпайиши эса кишини инфаркт ва инсультга олиб келиши оқибатида эркаклар ўлими содир бўлади». Бундан ташқари кайфиятсизликдан юзага келадиган гармонлар кексаларга хос ҳардамхаёлликни ҳам юзага келтириши мумкин.

Маълумки, эркаклар 13-16 ёшдан кейин «мардлар йиғламайди» маъносида кўз ёши қилмай қўядилар. Аёллар эса аксинча, азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди деганларидек, кўз ёши тўкиб, кўнгил ёзадилар.

Ҳозир олимлар эркаклар ҳам йиғлашни одат қилишлари мумкинми деган саволга жавоб ахтармоқдалар. Доктор Лерпернинг фикрича «Бунинг учун эркаклар кўз ёшини ихтиёр этишлари зарур. Иложи борича арзир-арзимас нохушликларда ҳам йиғлоқи бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас».

**Хориж матбуоти материаллари асосида О. АСҚАРОВА тайёрлади.**

# АЖАБСАНДА

Пазанда маслаҳати

**500 г лаҳм гўшт, 150 г думба ёғ, 500 г картошка, помидор, сабзи, пиёз, 100 г саримсоқ, 2 дона булғор қалампири, бир боғ кашнич, туз, зираворлар.**

**Гўшт ва картошкани кубик қилиб, сабзи ва помидорни майдалаб, саримсоқ ва булғор қалампирини паррак-паррак қилиб тўғрайсиз. таом буғда пиширилади. Бунинг учун 2 та идиш керак. Кичик идишга масалliqларни қатлам-қатлам териб чиқасиз. Охирида гўшт ва думба ёғ бўлаклари солинади. Ҳар бир қатламга бир оздан туз, мурч ва зира сепилади. Масаллиқ солинган идишни катта идишга солиб, унинг оралиғига сув қуйиб оловга қўясиз. Катта идишда доим сув бўлиши керак. Уни жуда маҳкам беркитасиз. Бу таом 2 соатда пишади.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Ҳамза Умаров номли 253-сонли ўрта мактаб томонидан 1994 йили 15 июнда Баситханов Авазхон Надирханович номига берилган таянч маълумот тўғрисидаги А № 528448 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


# «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

2000 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

**Азиз газетхон!**

**Сиз, «Қишлоқ ҳаёти»га обуна бўлдингизми?**

**Йил-ўн икки ой хонадонимга маънавият кириб борсин, нур кириб борсин десангиз, «Қишлоқ ҳаёти»га ёзилинг! Газетамиз билан ошно бўлсангиз иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётдаги кундалик энг муҳим янгиликлардан вақтида хабар топасиз. Дунё воқеаларидан воқиф бўласиз. Ғаройиб ҳодисалар хусусида қизиқарли мақолалар ўқийсиз.**

***«Қишлоқ ҳаёти» — Сизнинг энг яқин ҳамроҳингиз, суҳбатдошингиз!***

***«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг нашр индекси — 144.***


# «ЕВРО-2000» ИШТИРОКЧИЛАРИ САРАЛАНДИ

ФУТБОЛ

Голландия ва Бельгияда келгуси йилда ўтказиладиган футбол бўйича Европа чемпионатининг асосий саралаш босқичи ортда қолди. Айни пайтда чемпионатнинг финал қисмида иштирок этиши лозим 16 мамлакат терма жамоаларининг 12 таси узил-кесил аниқланди. Улар сирасига Бельгия, Голландия, Италия, Норвегия, Германия, Франция, Швеция, Испания, Руминия, Югославия, Чехия ва Португалия терма жамоаларини киритиш мумкин.

Россия терма жамоасининг ушбу турнирда қандай ўйин кўрсатганлигини ишқибозлар яхши билишади. Турнир аввалида А. Бишовец раҳбарлигида бўлган жамоа дастлабки уч ўйинда 9 очкони рақибларига «ҳадя» қилди. Шундан сўнг жамоанинг бош мураббийлик лавозимини эгаллаган Олег Романцев раҳбарлигида Россия терма жамоаси гуруҳ жадвалида кескин ўзгаришларни амалга оширишга эришди. Арманистонни, Андоррани, сўнгра Франция терма жамоасини мағлубиятга учратган россияликлар шундан кейин ўтган уч учрашувда рақибларига бирорта ҳам имконият қолдирмадилар ва гуруҳда иккинчи ўринга кўтарилдилар. «Евро-2000»дан умидини узган мухлислар Романцев шогирдларининг финал босқичига чиқиш учун қўлга киритилиши лозим бўлган икки йўлланмадан бирини эгаллашини шубҳа қилмай қўйдилар.

Афсуски, мутахассислар «аср матчи» деб атаган, икки қардош мамлакат — Россия ва Украина терма жамоаларининг Лужникидаги учрашуви, боз устига Франция ўз майдонида Исландияни 3:2 ҳисобида енгиши Россия терма жамоасини «Евро-2000» финал босқичига чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Ўз саралаш гуруҳида Франция терма жамоасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган Украина футболчилари эса яна бир синов босқичидан муваффақиятли ўтсагина, 2000 йилда Голландия ва Бельгияда ўтказиладиган Европа чемпионатининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритади. Германияда ўтган қуръа ташлаш маросимида қолган тўрт ўрин учун курашадиган жамоалар жуфтлиги аниқланди. Унга кўра Украина терма жамоаси Словения билан, Англия, Шотландия билан, Исроил, Дания билан ва Ирландия, Туркия терма жамоаси ўзаро куч синашадиган бўлдилар. Икки учрашув якунига кўра ғолиб жамоалар эса «Евро-2000» финал босқичига тўғридан тўғри йўл оладилар.

**Ёдгор ТЎЙМЕТОВ**


Ташкилот
Чекланмаган миқдорда
ҚИММАТ НАРХДА
пиёз
сотиб олади.
Телефон: (3662) - 33-44-97
Факс: (3662) - 31-06-10



Бош муҳаррир
Ўткир
РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.



«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.



«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.



Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0901, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00. 1 2 3 3 4 6.